

А Ж Р И М

2021 йил 22 декабрь

Андижон шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья К.Шахобутдинов, Д.Мирабдуллаевнинг котиблигида, Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Сайназаров, Андижон шаҳар ИИО Пробация бўлими вакили Р.Тохировларнинг иштирокида, Андижон шаҳар ИИО ФМБ бўлими томонидан маҳкум Д.Дадабаевга нисбатан суд юклаган мажбуриятларни олиб ташлаш ҳақидаги тақдимномани тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Дадабаев Давронбек Ботиржанович, 1976 йил 20 январда Андижон шаҳрида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, илгари судланмаган, вақтинча ишсиз, Андижон шаҳар, Гумбаз МФЙ, А.Дониш кўчаси, 10-уйда яшайди.

Маҳкум Д.Дадабаевга жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман судининг 2020 йил 12 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ЖКнинг 72-моддаси тадбик этилиб 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартлига алмаштирилиб 2 йил синов муддати белгиланган.

Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими томонидан тақдимнома киритилиб, унда Д.Дадабаевга суд юклаган мажбуриятлардан озод қилиш сўралган.

Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлими вакили Р.Тохиров маҳкум Д.Дадабаевга нисбатан суд ҳукми 2020 йил 25 ноябрь куни ИИО Пробация бўлими ҳисоб рўйхатидан ўтказилганини, наъмунали хулқи, зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни тўла риоя қилиб келаётгани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, унга нисбатан суд томонидан юкланган мажбуриятларни олиб ташлашни ва маҳкумга нисбатан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб, фикр билдирди.

Суд, тақдимнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни муҳокама қилиб, прокурорнинг ва ИИО Пробация бўлими вакилининг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қўйидагиларга асосан киритилган тақдимномани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси 5-қисмида ҳукм қилинган шахснинг хулқи устидан назорат олиб боровчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкинлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, Д.Дадабаев шартли жазони ўташ мобайнида зиммасига юкланган мажбуриятларни тўлиқ бажариб, ҳар ойда камида бир маротаба хулқини назорат қилувчи органдан рўйхатдан ўтиб турган.



Юқоридагиларга асосан киритилган тақдимномани қаноатлантириб, маҳкум Д.Дадабаевнинг зиммасига юкланган мажбуриятларни ҳаммасини олиб ташлашни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖК 72-моддаси ЖПК 542-моддаласини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Андижон шаҳар ИИО ФМБ Пробация бўлимининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Дадабаев Давронбек Ботиржановичга жиноят ишлари бўйича Шахрихон туман судининг 2020 йил 12 ноябрдаги хукми билан юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммаси олиб ташлансин.

Ажримдан норози томонлар 20 сутка ичида шу суд оркали Андижон вилоят судига хусусий тартибда протест ёки шикоят келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

К.Шахобутдинов



Ҳужжат имзоланган: Шаҳобутдинов Камолдин Садирдинович, 27.12.2021

